
ҲАЙРЛИ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА...

Фарғона туманида «Саховат ва Кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида кеча туман ИИБ бошлиғи 3 сектор раҳбари Фархриддин Ҳайитов ва 4 сектор раҳбари туман Солиқ инспекцияси бошлиғи Дилшодбек Адҳамовлар ўз ҳудудларидаги эҳтиёжманд, кам таъминланган ҳамда ногиронлиги бор оилаларга 10 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, антисептик воситалари тарқатдилар. Ҳозирга қадар пандемия тufайли даромад манбаини йўқотган 47 нафар ана шундай фуқаронинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилди. Бу борада туман Маънавият бўлими раҳбари Ферузахон Омонова ва бир гуруҳ кўнгилли ёшлар ибрат бўлишмоқда. Савобли ишларни амалга оширишда 3 ва 4-сектор раҳбарлари ўз ҳудудида яшовчи эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш истагини билдирган, саховатпеша тадбиркор, ташкилотлар ва хайрихоҳ шахслар аниқланиб, шаклланган рўйхатдаги оилаларга ихтиёрий бириктириб, уларни савобли ва ҳайрли ишларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Улар бугунги карантин даврида эл корига ярашга ҳаракат қилмоқдалар. Сектор раҳбарлари ва кўнгиллилар билан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида тумандаги “Оқбиллол” МФЙдаги эҳтиёжманд оилалар Чаросхон Отақулова, Гўзалхон Назирова, “Хонқиз” МФЙ “Оқ олтин” кўчаси, 159-уйда яшовчи Нилуфархон Хошимова сингари кўмакка муҳтож оилаларга, 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббиёт ниқоблари ва антисептик воситалар жамланган саховат қутилари жойланган ҳомийлик хайриялар топширдилар. Бугун туманда Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 53 нафар оилаларга озиқ-овқат маҳсулотларини мурувват ёрдами сифатида етказиб берилди. Фарғона туманида ҳайрли тадбирлар давом этмоқда.

Улар бугунги карантин даврида эл корига ярашга ҳаракат қилмоқдалар. Сектор раҳбарлари ва кўнгиллилар билан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида тумандаги “Оқбиллол” МФЙдаги эҳтиёжманд оилалар Чаросхон Отақулова, Гўзалхон Назирова, “Хонқиз” МФЙ “Оқ олтин” кўчаси, 159-уйда яшовчи Нилуфархон Хошимова сингари кўмакка муҳтож оилаларга, 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббиёт ниқоблари ва антисептик воситалар жамланган саховат қутилари жойланган ҳомийлик хайриялар топширдилар. Бугун туманда Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 53 нафар оилаларга озиқ-овқат маҳсулотларини мурувват ёрдами сифатида етказиб берилди. Фарғона туманида ҳайрли тадбирлар давом этмоқда.

Фарғона тумани Ахборот хизмати.

2020-08-18 16:32:35